O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MILLIY KITOB PALATASI INV.№

Халқ сўзи

Ўзбекистон – келажаги буюк давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган • E-mail: info@xs.uz • 2006 йил 4 ноябрь, № 216 (4115) Шанба

ЎЗАРО МУСТАҲКАМ ИШОНЧ – МАНФААТЛИ ҲАМКОРЛИК ОМИЛИ

Қозоғистон Республикаси Президенти Нурсултон Назарбоев 3 ноябрь куни амалий ташриф билан Ўзбекистон Республикасида бўлди

Тили ва дини бир, тарихи умумий ва маданияти муштарак бўлган Ўзбекистон ва Қозоғистон халқлари азалдан бир-бири билан яқин ҳамкорлик қилиб келади. Яхши қўшничилик муносабатлари биз учун тарих тақозоси ва аждодларимиздан қолган бебаҳо меросдир. Биз бир дарёдан сув ичамиз.



Истиқлол йилларида Ўзбекистон ва Қозоғистоннинг бир-бирига таянч ва суянч бўлиб яшаши янгича мазмун касб этди, ўзаро ишончли ва манфаатли алоқалар ривожланди, юқори босқичга кўтарилди. Марказий Осиёнинг равнақида, минтақа барқарорлигида икки мамлакат ўртасидаги муносабатлар муҳим аҳамиятга эга. Шу нуқтаи назардан қараганда, Ўзбекистон ва Қозоғистон раҳбарларининг мунтазам учрашувлар ўтказиб, долзарб масалаларни муҳокама қилиб бориши мамлакатларимиз ва минтақамиз манфаатларига, замон талабларига мос бўлган ибратли амалиётдир.

Жорий йилда Ўзбекистон-Қозоғистон муносабатларида катта ўзгаришлар рўй берди. Ислом Каримовнинг Қозоғистонга, Нурсултон Назарбоевнинг Ўзбекистонга давлат ташрифлари амалга ошди. Президентларимиз Шанхай Ҳамкорлик Ташкилоти, Евроосиё иқтисодий ҳамжамияти саммитлари доирасида бир неча бор учрашдилар.

Шу йил март ойида Тошкентда бўлиб ўтган Ўзбекистон-Қозоғистон саммитида мамлакатларимиз ўртасида Президентлар раҳбарлигидаги Давлатлараро мувофиқлаштирувчи кенгаш тузишга қарор қилинди. Сентябрь ойи бошида ўтган Остона саммитида бу келишув расмийлаштирилди — протокол имзоланди. Шу тариқа Президентларнинг келишувларини ҳаётга жорий этиш, имзоланган ҳужжатлар ижросининг мониторингини олиб бориш, ўзаро муносабатларга оид долзарб масалаларни тезкорликда ҳал қилишнинг ноёб механизми яратилди.

3 ноябрь куни "Дўрмон" қароргоҳида Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов ва Қозоғистон Республикаси Президенти Нурсултон Назарбоевнинг норасмий учрашуви бўлди. Одатда норасмий саммитда қатъий белгиланган кун тартиби бўлмайди, мулоқот янада эркин, очиқлик ва ишчанлик руҳида ўтади.

Ислом Каримов ва Нурсултон Назарбоев Ўзбекистон-Қозоғистон муносабатларига, халқаро ташкилотлар доирасидаги ҳамкорликка доир қатор долзарб масалаларни муҳокама қилиб, минтақавий ва халқаро аҳамиятга молик кўплаб масалалар юзасидан фикр алмашдилар. Ўзаро ҳамкорликни ривожлантиришдан икки томон ҳам бирдек манфаатдор экани яна бир бор қайд этилди. Томонларнинг кўплаб халқаро масалаларга қарашлари бир хил ёхуд яқинлиги таъкидланди.

Оммавий ахборот воситалари вакиллари билан учрашувда Президентлар музокара самарали кечганидан мамнуният билдириб, мулоқот ўзаро ишонч руҳида ўтганини таъкидладилар. Мазкур учрашув Президентлар раҳбарлигидаги Давлатлараро мувофиқлаштирувчи кенгаш ишлари мажлиси деб аталди.

— Ўзаро муносабатларга доир кенг кўламли масалаларни муҳокама қилдик, — деди Ислом Каримов. — Қатор халқаро муаммолар юзасидан фикр алмашиб, уларга нисбатан умумий ёндашувларимизни баён қилдик.

Музокарада Қозоғистон Президенти ўзининг АҚШга ташрифи якунлари билан Ўзбекистон раҳбарини таништиргани маълум қилинди. Шу билан бирга, Афғонистон, Ироқ ва Эрондаги вазият юзасидан фикр алмашилган. МДҲ саммитига тайёргарлик, уни ислоҳ этиш борасидаги ёндашувлар муҳокама қилинган. Ҳамдўстлик барча аъзо мамлакатлар манфаатларига бирдек хизмат қилиши кераклиги хусусида Президентларнинг фикри бир жойдан чиққан.

Нурсултон Назарбоев жорий йилда Ўзбекистон ва Қозоғистон ўртасида давлат ташрифлари бўлиб ўтганини, савдо-иқтисодий ҳамкорлик кенгайиб бораётганини, ўзаро товар айирбошлаш ҳажми бу йил 30 фоиз ўсишини таъкидлади.

— Тўққиз ой якунларига оид кўрсаткич 450 миллион АҚШ долларидан ошди, — деди олий мартабали меҳмон. — Биз йиллик товар айланмаси ҳажмини бир миллиардга чиқариш ниятидамиз. Бунинг учун имкониятларимиз етарли.

Президентлар икки томонлама ҳамкорликни янада кенгайтириш масалалари юзасидан фикрлашиб, ҳукумат органларига тегишли топшириқлар беришга қарор қилганларини таъкидладилар. Хусусан, чегарага туташ ҳудудларда савдо шохобчаларини очиш, улар фаолиятининг ҳуқуқий жиҳатларини такомиллаштириш ва шу орқали ўзаро савдони янада ривожлантиришга келишиб олинган. Эркин савдо тартибидан истисно қилинган маҳсулотлар рўйхатини қисқартириш имкониятлари кўриб чиқилган. Бу ҳам товар айирбошлаш ҳажмини янада орттиришга хизмат қилади.

Ислом Каримов ва Нурсултон Назарбоев сувдан фойдаланиш, энергетика, коммуникация каби соҳаларга оид масалалар муҳокама қилинганини таъкидладилар.

Ҳарбий-техникавий ҳамкорлик доирасида элчихоналарга ҳарбий маслаҳатчи (атташе) тайинлашга, кадрлар тайёрлаш борасидаги ҳамкорликни кенгайтиришга келишиб олингани маълум қилинди.

— Биз келгусида ҳам шундай учрашувлар ўтказиб турамиз, — деди Ислом Каримов. — Ўзаро мулоқотга эҳтиёж туғилса, муайян жойда учрашиб, мавжуд муаммони мана шундай музокара орқали тезкорлик билан ҳал қилишга тайёрмиз. Бу каби амалиёт халқларимизни бир-бирига янада яқинлаштиришда, ўзаро ишончни мустаҳкамлашда, муайян масалаларга нисбатан умумий ёндашувларни ишлаб чиқишда муҳим аҳамиятга эга.

— Биз буюк қўшниларимиз, — деди Нурсултон Назарбоев. — Лекин ўзаро келишиб ечилиши лозим бўлган масалалар пайдо бўлиб туриши ҳам табиий ҳол. Шу боис ташқи ишлар вазирларига мунтазам мулоқотни йўлга қўйиш тўғрисида топшириқ бердик.

Ўзбекистон ва Қозоғистон Президентларининг ушбу баёнотлари мамлакатларимиз ўртасидаги муносабатлар изчил ва ҳар икки мамлакат манфаатларига мос ривожланиб бораётганидан яна бир далолатдир.

Анвар БОБОЕВ,
ЎзА мухбири.

Дилшод ЮСУПОВ олган сурат.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов номига Хоразм Маъмун академиясининг 1000 йиллиги муносабати билан жаҳоннинг кўплаб илм-фан, маданият ва таълим марказлари вакилларидан, давлат ва жамоат арбобларидан табрик хатлари келиши давом этмоқда.

ЎЗБЕК ХАЛҚИНИНГ ЖАҲОН ФАНИ РИВОЖИГА ҚЎШГАН УЛКАН ҲИССАСИНИНГ ЯНА БИР ЭЪТИРОФИ

Россия Федерацияси таълим вазири Андрей Фурсенконинг мактубида қуйидаги сатрлар бор:

— Ҳозирги замон цивилизациясининг гуманитар асосини шакллантиришга улкан ҳисса қўшган Хоразм Маъмун академиясининг 1000 йиллиги тантаналари муносабати билан самимий табрикларимни қабул қилгайсиз.

Маъмун академиясида Абу Райҳон Беруний, Абу Али ибн Сино, Муҳаммад Хоразмий каби буюк олимлар иш олиб боргани яхши маълум. Уларнинг илм-фаннинг турли соҳаларидаги кўп қиррали фаолияти натижасида инсоният табиат, жамият ва фаннинг фундаментал қонунларини билиш борасида улкан қадам ташлади.

Маъмун академияси дунё фани солномасига номлари зарҳал ҳарфлар билан битилган ўрта аср Шарқи олимларини етиштирган йирик марказга айланди.

Россия ва Ўзбекистон Маъмун академияси анъаналарини давом эттириб, турли соҳалар бўйича олим ва мутахассислар тайёрлаш борасидаги ҳамкорликни тобора кенгайтириб бормоқда. Ўтган йилнинг июнида имзоланган Касб таълими соҳасида ҳамкорлик тўғрисидаги идоралараро битим бунга яна бир мисол бўла олади.

Сизни ушбу шонли сана муносабати билан яна бир бор табриклайман ва Маъмун академиясида янги кашфиётлар, янги ғоялар туғилишини ҳамда янгидан-янги олимлар камол топишини тилаб қоламан.

Россия Фанлар академияси президенти Ю.Осипов давлатимиз раҳбарига йўллаган мактубида Хоразм Маъмун академиясининг цивилизация тарихидаги роли ва ўрни ҳақида алоҳида тўхталади:

— Шу кунларда 1000 йиллиги кенг нишонланаётган Хоразм Маъмун академиясининг ташкил этилиш тарихи ва фаолияти — ўзбек халқининг жаҳон фанига, ҳозирги замон цивилизациясини шакллантиришга қўшган улкан ҳиссасининг яна бир тасдиғидир.

Ўзбекистон ўзининг бой илмий, маданий ва маънавий салоҳияти билан доимо оламни лол қолдириб келган. Хоразм Маъмун академиясининг тарихий аҳамияти шундан иборатки, унда Беруний, Ибн Сино, ал-Хоразмий каби буюк олимлар фаолият олиб бориб, жаҳон фани тараққиётига беқиёс ҳисса қўшди.

Фаннинг кўп соҳалари, жумладан, математика, кимё, геодезия, минералогия, тиббиёт, фармакология, тарих, сиёсат, филология, фалсафа, мантиқ, ҳуқуқшунослик ушбу илм даргоҳи туфайли сифат жиҳатдан янги босқичга кўтарилди. Маъмун академияси нафақат Шарқ, балки бутун инсоният илмий тафаккурини тараққий эттиришга, давлатлар ўртасида маданий алоқаларни мустаҳкамлашга, турли мамлакатлар, миллатлар ва динларга мансуб олимлар ўртасида дўстлик ришталарини боғлашга хизмат қилди.

Россия ва Ўзбекистоннинг илмий даргоҳлари ана шу мингйиллик анъанани давом эттириб, фаол ҳамкорлик қилаётгани, илғор ғояларга асосланган ҳолда, биргаликда тадқиқотлар олиб бораётганини таъкидлашдан мамнунман.

Ишончим комилки, муҳтарам Ислом Абдуғаниевич, буларнинг барчаси Сизнинг мамлакат илмий салоҳиятини юксалтириш, бутун инсоният маънавий хазинасига салмоқли ҳисса қўшган ўзбек халқининг улкан маданий ва илмий меросини сақлаш ҳамда бойитишга қаратаётган алоҳида эътиборингиз натижасидир.

Малайзия Фанлар академияси президенти Аҳмад Захаруддин Идрус шонли сана муносабати билан Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовга юборган табригида шундай деб ёзади:

— Сизга Хоразм Маъмун академиясининг 1000 йиллиги муносабати билан Малайзия Фанлар академияси номидан табрик йўллаш мен учун катта шарафдир.

Бу сананинг нишонланиши муҳим

(Давоми 2-бетда).

Аввал хабар қилганимиздек, 2 ноябрь куни Хива шаҳрида Шарқ оламининг йирик илм-фан маркази сифатида эътироф этилган Хоразм Маъмун академиясининг 1000 йиллик тўйи шоду-хуррамлик билан нишонланди. Унда мамлакатимизнинг барча ҳудудларидан келган меҳмонлар, кенг жамоатчилик вакиллари, чет элдан ташриф буюрган олимлар, халқаро ташкилотлар, хорижий давлатларнинг мамлакатимиздаги дипломатик корпуси вакиллари иштирок этдилар. Мухбиримиз байрам қатнашчилари билан суҳбатлашганда шундай фикрлар билдирилди.

БОҚИЙ ҚАДРИЯТЛАРИМИЗ

БАЙРАМИ

Вера ПАК, Ўзбекистон Қаҳрамони, Олий Мажлис Сенати аъзоси, Хива туманидаги 20-Меҳрибонлик уйи директори:

— Бугун халқимиз мустақил юртимизнинг яна бир қутлуғ тўйини — Хоразм Маъмун академиясининг 1000 йиллигини халқаро миқёсда кўтаринки руҳда катта шодиёна билан ўтказди. Бунга бутун дунё жамоатчилиги гувоҳ бўлди. Бизлар эса байрам кунида жаҳон илм-фанининг теран томирлари ўлкамиз билан боғлиқлигини чуқур англаб, қалбимиз фахр ва ифтихор туйғуларига тўлаётганини ҳис этмоқдамиз. Маънавий ҳаётимиздаги мазкур тарихий воқеанинг муҳим томони шундаки, ушбу тантана қадимий Хоразм заминига, дунёга Мусо Хоразмий ва Абу Райҳон Беруний, Маҳмуд Замаҳшарий ва Нажмиддин Кубро, Паҳлавон Маҳмуд ва Оғаҳий сингари буюк зотларни берган, ҳозирги кунда ҳам ўз меҳнатсеварлиги, илмий салоҳияти, бунёдкорлиги билан мамлакатимиз обрўсига, унинг тараққиётига муносиб ҳисса қўшиб келаётган Хоразм элига дунё жамоатчилигининг, халқимизнинг катта эҳтироми рамзи бўлди.

Дарҳақиқат, буюк аждодлар хотирасига чексиз ҳурмат-эҳтиромда бўлиб келган хоразмликлар бунёдкор эл. Уларнинг Маъмун академиясининг 1000 йиллик тўйига тайёргарлик жараёнида амалга оширган катта бунёдкорлик ишлари мустақиллик йилларида бажарилган улкан яратувчиликнинг узвий давоми десак муболаға бўлмайди. Айтиш лозимки, юзлаб бинолар капитал таъмирланган бўлса, уларга қўшимча ўнлаб янги бинолар, замонавий мактаблар,

(Давоми 2-бетда).

Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат ва жамият қурилиши академияси қошидаги Олий бизнес мактабининг Корпоратив бошқарув марказида "Ўзбекистонда корпоратив бошқарув амалиётини жорий қилиш муаммолари" мавзуида илмий-амалий анжуман ўтказилди.

Илмий-амалий анжуман

Таъкидлаш жоизки, мамлакатимизда корхоналарнинг инвестицион жозибадорлиги кўп жиҳатдан корпоратив бошқарув даражасига боғлиқдир. Шу жумладан, хусусийлаштирилган корхоналарга узоқ муддатли инвестицияларни жалб қилишнинг асосий механизмлари сифатида акциядорлик жамиятларида корпоратив бошқарувни такомиллаштириш муҳим аҳамиятга эга. Икки кун давом этган мазкур анжуманда корпоратив бошқарув ва корпоратив маданиятни ривожлантириш, корпоратив бошқарувнинг молиявий асослари, корпоратив бошқарув тизимида инсон ресурсларини бошқариш, акциядорлар ҳуқуқини ҳимоя қилиш мавзуларидаги бир қатор маърузалар тингланди. Мамлакатимизнинг мазкур соҳа вакиллари ҳамда халқаро ташкилотлар мутахассислари иштирок этган анжуманда юқорида айтиб ўтилган масалалар юзасидан ўзаро фикр алмашилди.

Юлдуз РИЗАЕВА.

Дунё нигоҳи

Кавсар хоним ал-ФУТУҲ,
Қоҳира санъатшунослик институти профессори:

— Хоразм Маъмун академиясининг Хивада бўлиб ўтган юбилей тантаналарини ҳаяжон билан кузатдим, Президент Ислом Каримов тантанали маросимда сўзлаган нутқида ўзбек халқининг қадимий тарихи, миллий қадриятлари, буюк боболарингиз қолдирган бебаҳо илмий, маданий ва моддий меросга бўлган юксак эҳтиром яна бир бор ўз ифодасини топди. Юртбошингизнинг бу бебаҳо ва қадимий меросни асраб-авайлаш, келгуси авлодларга етказиш ҳамда кенг тарғиб этиш борасидаги амалий ишлари халқаро миқёсда кенг эътироф этилган. Илгари имом ал-Бухорий ва Аҳмад ал-Фарғонийнинг юбилей тадбирларида иштирок этганимда ҳам мен бунга яққол амин бўлган эдим.

ЎЗБЕК ХАЛҚИНИНГ ЖАҲОН ФАНИ РИВОЖИГА ҚЎШГАН УЛКАН ҲИССАСИНИНГ ЯНА БИР ЭЪТИРОФИ

(Давоми. Боши 1-бетда).

воқеа бўлиб, у ўзида инсоният цивилизацияси тарихида улкан из қолдирган Ўзбекистон бой илмий ва маданий меросини яна бир бор намоён этади.

Ишонамизки, Хоразм Маъмун академиясида бундан буён ҳам жаҳоннинг илғор олим ва тадқиқотчиларини жалб этиш борасидаги ишлар изчил давом этади. Бу эса, ўз навбатида, келажак авлодларни тарбиялаш ишида мазкур илм даргоҳининг ўлмас меросидан фойдаланиш имкониятларини янада кенгайтиради.



Озарбойжон Миллий фанлар академияси президенти Маҳмуд Керимов Ўзбекистон Президенти Ислом Каримовга йўллаган табригида қуйидаги фикрларни ўқиш мумкин:

— **Маъмунлар сулоласи ҳукмронлиги даврида ташкил этилган Хоразм Маъмун академиясида истеъдодли олимлар ва уларнинг шогирдлари самарали илмий фаолият олиб бориши учун кенг шароит яратилган эди. Бунинг натижасида 1017 йилга келиб мазкур илм даргоҳида фаннинг астрономия, математика, тиббиёт, кимё, физика, география, минералогия, ҳуқуқшунослик каби соҳалари изчил ривож топди.**

Айниқса, фалакиёт илмида катта ютуқларга эришилди. Юлдузлар ва сайёралар ҳаракатининг астрономик жадвалларига ўзгартиришлар киритилди, янги астрономик жиҳозлар яратилди. Абу Райҳон Беруний 1004 йили ана шундай ускуналардан бирининг ёрдамида ой тутилишини олдиндан айтиб берди ва бу ҳодисани кузатди.

Хоразм Маъмун Академияси фаолиятида аниқ фанлар билан бирга ижтимоий фанлар, жумладан, фалсафа, тарихга оид тадқиқотлар ҳам алоҳида ўрин тутган. Академия айни пайтда санъат ва адабиёт маркази сифатида ҳам машҳур бўлган.

Ўзбекистонда илмий ва маданий анъаналарни тиклаш, илм-фан ва таълимни ривожлантириш, ўзбек халқининг буюк алломалари ишларининг муносиб давом эттирилишида Сизнинг, муҳтарам Президент, хизматларингиз беқиёсдир! Буни Сизнинг фармонингизга биноан 1997 йилда Хивада Маъмун академиясининг қайта ташкил этилиши ҳам исботлаб турибди.

Сизни Хоразм Маъмун академиясининг 1000 йиллик юбилейи билан яна бир бор муборакбод этишга ва Ўзбекистон олимларига янгидан-янги ютуқлар тилашга ижозат бергайсиз!

Хитой Ижтимоий фанлар академиясининг Жаҳон тарихи институти директори Юй Пэй табригида шундай сатрларни ўқиймиз:

— **Марказий Осиё қадимий жаҳон цивилизациясининг бешикларидан биридир. Бу ерда неча юз йиллар аввал ҳам турли маданиятлар ёнма-ён яшаган, илғор илм-фан ва технологиялар ривож топган.**

Хоразм Маъмун академияси машҳур астрономлар, файласуфлар, шифокорлар ва бошқа соҳа мутахассисларининг илму маърифат ўчоғи бўлган.

Ибн Синонинг машҳур "Тиб қонунлари" асарида баён этилган даволаш усуллари анъанавий Хитой табобатида ҳам кенг қўлланилган.

Ишонамизки, Хоразм Маъмун академияси 1000 йиллигининг кенг кўламда нишонланиши халқларимиз ўртасида илмий алоқалар ва ўзаро ҳамкорликни ривожлантиришга хизмат қилади.

(ЎзА — "Жаҳон").



Буюкликдан буюклик туғилади

Хоразм Маъмун академиясининг 1000 йиллик тўйига бағишланган тадбирлар доирасида илмий-амалий анжуманлар ўтказилмоқда. Кеча Темурийлар тарихи давлат музейида уюштирилган конференцияда ҳам шу мавзуда фикр юритилди.

Тадбир

Тадбирда мамлакатимиз ва хорижий давлатларнинг етакчи олимлари ҳамда ёш авлод вакиллари билан ўзаро фикр алмашилди. Дастур доирасида шунингдек, маърузалар, хусусан, франциялик тадқиқотчи Марк Боннел, японияли ёш олим Шиоя Акифуми ва мамлакатимиз етук олимларидан Ашраф Аҳмедов, Омонулла Файзуллаев, Бўрибой Омонуллаевларнинг чиқишлари йиғилганларда катта таассурот қолдирди. Айниқса, 84 ёшли машҳур японияли олим ва археолог Като Кюдзенинг ёшларга қарата айтган сўзлари барчанинг эътиборини тортди.

— Мен камбағал ва қашшоқ оилада ўсганман, — деди у. — Ўша пайтда шароит ночор эди. Шунинг учун ҳам орзу-истакларимнинг рўёбга чиқиши жудаям қийин кечган. Аммо менга далда берувчи иккита таянчим бор эди: соғлигим ва интилишим. Шу икки нарса туфайли дунёга танилдим, десам нокамтарликка йўйманг. Нима демоқчиман? Аждодлари буюк ва қобилиятли бўлган халқнинг фарзандлари ҳам буюк бўлади. Мен буни ҳаётий тажрибамдан келиб чиқиб айтаяпман. Ўзингизни кашф қилиш учун Ўзбекистонда етарлича имконият бор.

Баҳодир ФАЙЗИЕВ,
"Халқ сўзи" мухбири.

ГАЗЕТХОН сўз сўрайди

МУШТАРИЙ

Ҳар биримиз иссиқ жонмиз. Хасталик безовта қилганда, шифокорлар кўмагига муҳтож бўламиз. Шундай пайтларда шифокорнинг биргина ширин сўзи, меҳри киши кўнглини кўтаради.

...ташаккури

Ширин сўз дардга даво

Яккабоғ клиник шифохонаси гинекология бўлимида фаолият юритаётган Гулноза Бакировада даволанганлар уни ҳамиша илиқ сўзлар билан тилга олишади. Чунки шифокорнинг ширинсуханлиги, хушмуомалалиги беморлар жонига оро киради. Улар дардидан фориғ бўлгандек ўзларини енгил ҳис этишади. Мен яқинда Гулноза опанинг назоратида бўлиб, даволандим. Ва буни ўзим ҳам ҳис этдим.

Ҳомийлар ва шифокорлар йилида оқ халатли, пок ниятли барча тиббиёт ходимларининг шарафли ишларини ҳар қанча алқасак арзийди.

Назира АРЗИЕВА.
Қашқадарё вилояти.

... арзи

Қуруқ гап қулоққа ёқмас

Ўтган йили таҳририятга ичимлик суви муаммоси юзасидан шикоят хати йўллагандик. Шундан сўнг туман ҳокимлиги мутасаддилари келиб, аҳволни кўришди.

Тез орада муаммо ҳал бўлади, деган ваъдалар беришди. Лекин орадан бир йил ўтиб кетди ҳамки, «Гулистон» маҳалласи аҳли сувга ёлчигани йўқ. Ҳамон 40 чақирим узоқликдан сув ташиймиз. Тоза ичимлик сувининг биз томонларга келишига тўсқинлик қилаётган сабаб шуки, сув насослари яроқсиз аҳволда. Улар таъмирланса муаммо ҳал бўларди. Ўрнатилган қувурлар насоснинг ишга тушмаётгани боис занглаб, чириб кетяпти. Айтилган гаплар қуруқ ваъдалигича қолиб кетаверса, сув муаммосидан қачон халос бўламиз?

Нормамат БОЙМАТОВ.
Шўрчи тумани.

...мулоҳазаси

Фарзанд тарбиясига ҳамма масъул

Яқинда фарзандларим учун ўқув қуроллари ва дафтар-китоблар харид қилгани бозорга, тушдим. Дафтар сотиб олишда, тўғриси, қийналдим.

Турли хилдаги дафтарларга кўз югуртирарканман, муқовасидаги суратлар ғашимга тега бошлади. Улар дарс пайтида ўқувчининг хаёлини чалғитмайди, деб ким кафолат бера олади?

Биз таниган-танимаган санъаткору актёрлар, хорижий сериаллардаги қаҳрамонларнинг тушунарсиз суратларидан болалар нима олишади? Бунинг ўрнига дафтар муқоваларида фарзанд тарбиясида аҳамият касб этадиган тасвир ёхуд руҳий мадад бўлувчи табиат тасвирлари акс эттирилса бўлмайдими? Шу масалада мутасаддилар атрофлича ўйлаб, мулоҳаза юритишса яхши бўларди.

Маъруфжон РАҲИМҚУЛОВ.
Охунбобоев тумани.

... фикри

Табиат ҳам меҳр истайди

Бундан икки йил аввал бизнинг Боғотга бир меҳмон ташриф буюрганди. Кўп вақтини табиат қўйнида балиқ овлаш, ястаниб ётган қумликларни томоша қилиш билан ўтказган меҳмонимизнинг дили яйраб, хўп енгил тортганди.

Айниқса, «Қалъажиқ» кўлининг шифобахш шўр сувида чўмилиб, иссиқ қумга кўмилиб ҳузур қилган меҳмон бу ерликларга ҳавас қилиб шундай деганди: «Бу ернинг гиёҳию, янтоғидан тортиб, ҳавосигача ўзгача экан. Жазирама қуёш нури қанчалик қуйдирмасин, танангга ёқимли, гиёҳларнинг ҳидини айтмайсизми?! Кўп дардларнинг давоси-ку, бу...»

Ҳа, табиат бизга шундай неъматларни тортиқ этган. Афсуски, кўп ҳолларда биз уларнинг қадрига етмаймиз. Энг ачинарлиси, табиат мувозанатига путур етказувчи хатти-ҳаракатларимиз ўзимизга қимматга тушишини билмаймиз. Айниқса, кўлларимиз мени кўп ташвишлантиради. Бир пайтлар каттагина кўллар бугун кичик ҳандаққа айланган. Одамлар ўзбошимчалик билан уларни эгаллаб, ўрнида шоли экиб, табиатга зиён келтиришаётганини англамаяптилар.

Тўғри, сўнгги йилларда балиқчилик ва паррандачиликни ривожлантириш мақсадида кўллар ва унинг ҳудудидаги ерлар фермерлар ихтиёрига берилмоқда. Бироқ ҳамма ҳам ундан унумли фойдаланса эди... Маҳалламизга яқин ўзим билган «Ўрта кўл», «Шўр кўл», «Эломон кўл», «Олтин кўл» номли кўлларнинг ҳам айни пайтда номи қолган, холос.

Табиат бойлиги билан қимматли. Агар унга раҳна солгудек бўлсак, у ҳам биздан ўчини олади. Шуни унутмайлик...

Азамат САФАРОВ.
Боғот тумани.



БОҚИЙ ҚАДРИЯТЛАРИМИЗ БАЙРАМИ

(Давоми. Боши 1-бетда).

академик лицейлар, коллежлар, шифохоналар, равон йўллар, кўприклар қурилди. Бу иншоотлар хоразмлик ёшларни баркамол, етук инсонлар қилиб, яратувчилик руҳида тарбиялашда муҳим аҳамият касб этади, албатта. Комил ишонч билан айтиш мумкинки, бу табаррук заминдан келажакда юзлаб хоразмийлар, беруниийлар, замаҳшарийлар етишиб чиқади. Байрам олдидан бизнинг 20-Меҳрибонлик уйида кенг кўламдаги таъмирлаш ишларининг амалга оширилгани фикримизнинг далилидир. Меҳрибонлик уйини капитал таъмирлаш ишларига 257 млн. сўм сарфланган бўлса, ана шу маблағнинг деярли барчаси ҳомийлар томонидан моддий ёрдам сифатида берилди. 125 нафар бола тарбияланаётган муассасамиз 150 млн. сўмлик спорт анжомлари билан таъминланди, хоналар бутунлай янгидан жиҳозланди. Бу ерда нафақат спорт билан шуғулланиш учун имкониятлар яратилган, балки ўнлаб тўгараклар, интернет тармоғига уланган компьютер хонаси, кутубхона ва бошқа шарт-шароитлар муҳайё. Бундай эътибор, ғамхўрлик болаларни буюк анъаналар руҳида тарбиялашга хизмат қилиши шубҳасиз.

Президентимизнинг байрам тантаналарида сўзлаган нутқларини тинглаб ўтириб, шундай табаррук заминда туғилиб ўсганимдан, унинг бағрида меҳнат қилиб, умргузаронлик қилаётганимдан қалбим ғурур, ифтихор туйғуларига тўлди. Турли миллат вакиллари дўст, иноқ яшаётган бағрикенг, меҳридарё, ўтмиши шарафли, бугуни бахтли-саодатли, келажаги буюк Ватанда яшаш бахтли кишиларгагина насиб этади. Унда тинчлик, осудалик, бунёдкорлик ҳукмрон. Ана шундай элдагина тўйлар-тўйларга уланиб кетади. Бу байрам тадбирлари эса ўз навбатида ёшларни ватанпарварлик, бой қадимий меросга ворислик руҳида вояга етказишда мустаҳкам пиллапоя бўлиши тайин.

Ғофур МУҲАММЕДОВ, Ўзбекистон Миллий университети ректори, профессор:

— Байрам тантаналарига катта ҳаяжон билан келдик. Халқимизнинг қанчалик чуқур тарихий илдизга эга эканлигини, ўзининг буюк аждодларига беқиёс эҳтиромини дилдан ҳис қилдик. Президентимиз ташаббуси билан қайта ташкил этилган Маъмун академиясининг бугунги фаолияти билан танишиб, шунга амин бўлдикки, академия чинакам ворис сифатида илм-фан соҳасида улкан илмий изланишлар, тадқиқотлар олиб бораяпти. Академияга Юртбошимиз энг замонавий асбоб-ускуналар туҳфа қилганлиги, шахсан Президентимиз илм-фан соҳасини янада ривожлантиришга раҳнамолик қилиб, олимларни янги ютуқларга руҳлантириб турганлиги бизнинг зиммамизга катта масъулият юклайди. Биз олимлар ана шу ишончни оқлашимиз, ота-боболаримиз ишига муносиб бўлишимиз лозим.

Халқимизнинг, миллатимизнинг яна бир фахри ва ғурури бўлмиш, бугун оламга машҳур Маъмун академиясининг 1000 йиллик тўйининг халқаро миқёсда нишонланиши, нафақат олимлар, зиёлилар, балки мамлакатимизнинг ҳар бир фуқароси дилида ғурур туйғуларини уйғотади.

Олдимизда илм-фан чўққиларини эгаллашдек муҳим вазифа турибди. Маъмун академиясининг 1000 йиллик тўйи эса ана шу вазифаларни уддалашда куч-қувват бағишлайди, кўксимизни янада баланд қилади.

Байрам БАЛЧИ, Франциянинг Марказий Осиёни илмий тадқиқ қилиш институти директори:

— Мен Ўзбекистон ҳақида, унинг бой маданий, илмий мероси тўғрисида кўп нарса биламан. Бундан, яъни уни яқинроқдан билганимдан фахрланаман ҳам. Чунки мен айнан Ўзбекистонда, Тошкентда 1996-1999 йилларда билим олганман, тафаккуримни бойитганман. Кўҳна Хоразм воҳаси ҳақида ҳам тасаввурим бор. Унинг ўзига хос ноёб санъати, Маъмун академияси, илм-фан, ёзуви, маданияти жаҳон цивилизациясидан муносиб ўрин олганлигини ҳам биламан.

Францияда, бутун Европада ўзбек халқининг бой меросига, маданиятига, тарихига қизиқиш катта. Бизнинг институтимиз бу борада катта изланишлар олиб бормоқда. Мамлакатларимиз ўртасида ҳар томонлама алоқаларни ривожлантиришга ҳисса қўшиш асосий мақсадимиз бўлиб қолади.

Шахсан мен Маъмун академиясининг 1000 йиллик тантаналарида қатнашганимдан бахтиёрман. Ўзимнинг тантаналардан олган таассуротларимни Франциянинг кенг жамоатчилигига етказиш фикридаман. Ўзбекистон мустақил бўлгач, бу ерда қадриятларини тиклаш, ўзбек халқининг ўз ўтмиши, бой тарихи билан фахрланиш туйғуларини уйғотиш мақсадида катта ишлар амалга оширилди. Ўйлайманки, бу ҳақда нафақат бизнинг мамлакатимиз халқи, бутун жаҳон халқлари билишлари, тассавурга эга бўлишлари лозим. Бу уларни ҳам ана шундай буюк ишларга руҳлантирса ажабмас.

Р.ГРИНБЕРГ, Россия Фанлар академиясининг иқтисодиёт институти директори:

— Авваламбор, бундай катта тантанага таклиф этганликлари учун Ўзбекистон ҳукуматига, ҳамкасбларимга ўз миннатдорчилигимни билдираман. Биз бу байрамда иштирок этиб, бой таассуротга эга бўлдик. Бу байрам ўзбек халқининг ўз тарихига, маданиятига, катта илмий салоҳиятига эга эканлигини яна бир бор намоён этди. Байрам тадбирлари менга жуда ёқди. Ана шундай бағрикенг, меҳмондўст, саховатли ўзбек заминида меҳмон бўлганимдан, ўзбек халқининг катта байрамида иштирок этганимдан бахтиёрман. Бу тантана Маъмун академиясининг довруғини оламга таратди.

Мен бу гўзал юртга яна келишни, у ҳақда янада кўпроқ билишни, ўрганишни дилимга тугиб қўйдим. Зеро, бу юрт ҳақида қанчалик кўп билсангиз, шунча оздек туюлаверади. Чунки унинг тарихи узун, бундан 1000 йил аввал Маъмун академиясида яратилган, очилган билим кони уммондек чексиз, деб ҳисоблайман.

Сўзимнинг охирида ўзбек халқига бахт-саодат, ёрқин истиқбол, ҳамкасбларимнинг илмий изланишларида муваффақиятлар тилаб қоламан.

«Халқ сўзи» мухбири Ойбек РАҲИМОВ ёзиб олди.

Тошкентда Ахборот фаолияти ва маълумотлар узатишни такомиллаштириш ва самарадорлигини ошириш бўйича идораларо мувофиқлаштириш комиссиясининг йиғилиши бўлиб ўтди.

ИДОРАЛАРАРО КОМИССИЯ ЙИҒИЛИШИ

Йиғилишда ҳукуматимизнинг телерадиоэшиттиришлар соҳасида радиочастоталар спектридан самарали фойдаланиш чора-тадбирлари тўғрисидаги қарори ижроси доирасида радиочастоталарни тақсимлаш ҳамда телерадиоэшиттиришлар соҳасида якка тартибда лицензиялар бериш бўйича танлов ўтказилди. Қорақалпоғистон Республикаси, Тошкент, Самарқанд, Сурхондарё, Сирдарё, Хоразм, Бухоро, Навоий, Жиззах ва Қашқадарё вилояти ҳамда Фарғона водийсида теле ва радиочастоталар бўйича танловга келган аризалар кўриб чиқилди.

Комиссия қарорига кўра, "Бахтиёр-Шахбоз" (Жиззах шаҳри), "Тараққиёт телерадиокомпанияси" масъулияти чекланган жамият (Андижон шаҳри), "Нодавлат телерадиокомпаниялар телетармоғи" масъулияти чекланган жамият (Тошкент шаҳри), "Самарқанд-СТВ" телевизион ижодий уюшмаси (Самарқанд шаҳри), "Мулоқот" телекомпанияси (Қўқон шаҳри), "Водий садоси" ёшлар телерадиокомпанияси масъулияти чекланган жамият (Андижон шаҳри), "Қоинот" телевидениеси масъулияти чекланган жамият (Бухоро шаҳри), "Камалак ТВ" масъулияти чекланган жамият шаклидаги қўшма корхона (Тошкент шаҳри) ғолиб деб топилди.

Шунингдек, йиғилишда ҳукумат қарорларининг бажарилиши, қатор хўжалик юритувчи субъектларнинг телерадиодастурларни тарқатиш, маълумотлар узатиш тармоқларига хизмат кўрсатиш бўйича лицензия олиш тўғрисидаги аризалари кўриб чиқилди.

Муҳокама қилинган масалалар юзасидан тегишли қарорлар қабул қилинди.

(ЎзА).

«Кўргазма бизни ҳаётга яқинлаштирди»

— дейишмоқда Тошкент ирригация ва мелиорация институти талабалари

Президентимиз ташаббуси билан пойтахтимиздаги "Ўзэкспомарказ" павильонларида ташкил этилган "Uzbekistan Agrominitech Expo — 2006" қишлоқ хўжалиги учун мини технологиялар ва ихчам ускуналар халқаро ихтисослаштирилган кўргазма-савдоси бугун барчада бирдек қизиқиш уйғотмоқда.

Мазкур нуфузли тадбир, айниқса, деҳқон ва фермер хўжаликлари, қишлоқ хўжалиги ходимлари қаторида шу соҳанинг бўлажак кадрлари учун ҳам муҳим ахборот манбаи бўлиб хизмат қилаётир. Хусусан, Тошкент ирригация ва мелиорация институти профессор-ўқитувчилари ҳамда талабаларининг бу ерга ташрифи уларнинг янги методик маълумотлар олишлари, ўз ихтисосликлари ҳақида тўлиқ тасаввурга эга бўлишлари учун катта ҳаёт мактабини ўтади. Биз нималарни назарда тутаяпмиз?

"Сув хўжалиги ва мелиорация" йўналишида таълим олаётган талабаларимизда "САНИПЛАСТ" Ўзбекистон-Исроил қўшма корхонаси ҳамда Туркиянинг "SUNSTREAM" фирмалари томонидан таклиф этилаётган замонавий суғориш техника ва технологиялари катта таассурот қолдирди. "Гидротехника қурилиши ва насос станциялари" йўналишида илм ўрганаётган ёшларимиз Туркиянинг "ETNA" фирмасида ишлаб чиқарилаётган сув насослари, уларнинг гидравлик хусусиятлари, ишлаш жараёни ҳақида батафсил маълумот олдилар. Энг муҳими, қишлоқ хўжалигининг бўлажак ходимлари институт олимлари томонидан ишлаб чиқилган томчилатиб суғориш техника ва технологиялари, сув кўтариш мосламаларини кўргазмадаги ускуналар билан солиштириб кўриш имконига эга бўлишди.

Қишлоқ хўжалигида қўлланиладиган гербицид ва пестицид препаратлари, уларнинг атроф-муҳитга кўрсатадиган таъсири билан яқиндан танишган "Экология ва атроф-муҳит муҳофазаси" йўналишида таълим олаётган талабаларимиз ҳаётга янада яқинроқ бўлишди, десак муболаға бўлмайди. Чунки ёшлар бу борада ўзларини қизиқтирган барча саволларга "SAGANTA" компанияси ходимлари томонидан батафсил жавоб олишди. Шу билан бирга, кўргазма-савдодаги "Perkin Elmer" фирмасининг атом-абсорбцион спектрометри ҳам уларда ҳайрат уйғотди. Негаки, бу спектрометр экологик мониторинг олиб бориш ва атроф-муҳитга тарқалган металл моддаларини аниқлаш учун қулай ва аниқ маълумот олишга мўлжалланган.

"Сув хўжалигини автоматлаштириш ва механизациялаш" йўналишининг талабалари эса чет элларда ишлаб чиқарилган мини технологиялар билан яқиндан танишдилар. Жумладан, Бразилиянинг "JACTO" компаниясининг қишлоқ хўжалиги экинларига кимёвий препаратлар билан ишлов беришга мўлжалланган жиҳозлари уларга маъқул бўлди.

"Ўзэкспомарказ" мажлислар залида турли мавзуларга бағишлаб ўтказилган семинарлар ҳам профессор-ўқитувчи ва талабаларга кўплаб маълумотлар олиш имконини берди. "Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларини микрокредитлаш" мавзуидаги Ўзбекистон Ташқи фаолият миллий банки, "Микрокредитбанк", "Пахтабанк", "Асака" банки ва бошқа молия муассасалари вакилларининг маърузалари қизғин баҳс-мунозарага айлангани бунинг тасдиғидир.

Бир сўз билан айтганда, профессор-ўқитувчи ва талабаларнинг "Uzbekistan Agrominitech Expo — 2006" қишлоқ хўжалиги учун мини технологиялар ва ихчам ускуналар кўргазма-савдоси билан яқиндан танишишлари Кадрлар тайёрлаш миллий дастурида белгилаб берилган вазифаларни амалга ошириш йўлида қўйилган муҳим қадамлардан бири бўлди, дейишимизга тўла асос бор.

Фридун БАРАЕВ, Ойбек ОРИФЖОНОВ, Тошкент ирригация ва мелиорация институти профессорлари.

4 ноябрь куни ЮНЕСКО ташкил топганига 60 йил тўлди

Ўзбекистоннинг бугунги тараққиётида миллий қадриятларни, халқимизнинг тарихий ва маданий меросини тиклаш муҳим аҳамиятга эга. Истиқлолга эришган Ўзбекистон Президент Ислом Каримов раҳнамолигида ижтимоий ҳаётни тубдан ислоҳ қилиш йўлидан бориб, барча соҳалар қатори маданият, фан ва таълим соҳаларида ҳам улкан ютуқларни қўлга киритмоқда. Бунда мамлакатимизнинг нуфузли халқаро ташкилотлардан бири бўлмиш ЮНЕСКО (БМТнинг Таълим, фан ва маданият масалалари бўйича ташкилоти) билан ҳамкорлиги муҳим ўрин тутади.

МАЪРИФАТ ВА ЭЗГУЛИК ЭЛЧИСИ

Ўзбекистон 1993 йил 26 октябрь куни ЮНЕСКО сафидан жой олди. ЮНЕСКО ишлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Миллий комиссияси тузилди. Мамлакатимиз ташкилотнинг энг фаол аъзоларидан бирига айланди. Юртимизнинг тарихий обидалари, қадимий шаҳарлари, ёзма ва оғзаки халқ ижодиёти, умуман, ўзбек халқининг бой меросига ЮНЕСКОда қизиқиш катта. Ташкилот мамлакатимиздаги қадимий ёдгорликларни тиклаш, кенг тарғиб этишда фаол иштирок этмоқда. 1995 йили ЮНЕСКОнинг «Ипак йўли – мулоқот йўли» дастури доирасида Самарқандда минтақамиз цивилизациялари тарихини ўрганадиган Марказий Осиё тадқиқотлари бўйича халқаро институт очилди.

Ўзбекистон ҳам ташкилот доирасидаги кўплаб дастур ва лойиҳаларда қатнашяпти. Бу мамлакатимизнинг халқаро нуфузини янада оширмоқда. 1997 йили Ўзбекистон ЮНЕСКОнинг олий раҳбарлик органи бўлмиш Ижроия кенгашига аъзо бўлгани ҳамкорликка берилган муносиб баҳо ва мамлакатимиз нуфузининг эътирофидир.

Президент Ислом Каримов 1996 йилнинг апрелида Францияга ташрифи чоғида ЮНЕСКО Бош қароргоҳида бўлиб, Ижроия кенгаш аъзолари билан учрашди, Соҳибқирон Амир Темурнинг 660 йиллигига бағишланган юбилей тантаналарида, жумладан, «Темурийлар даврида илм-фан ва маданият тараққиёти» халқаро кўргазмасининг очилиш маросимида иштирок этди.

Шундан буён ЮНЕСКО Ўзбекистонда ўтадиган кўплаб маданий тадбирларнинг нафақат меҳмони, балки ташкилотчиси ва иштирокчиси ҳамдир. Амир Темур, Мирзо Улуғбек, Камолиддин Бехзод, Муҳаммад Исмоил ал-Бухорий каби буюк боболаримизнинг, Бухоро, Хива, Термиз, Шаҳрисабз, Қарши шаҳарларининг, "Алпомиш" достони, "Авесто" ва Хоразм Маъмун академиясининг юбилейлари ЮНЕСКО иштирокида кенг нишонланди.

«Шарқ тароналари» халқаро мусиқа фестивалида ҳам ташкилот мунтазам қатнашиб келади. 1999 йили фестиваль доирасида Шарқ мусиқа асбобларига бағишланган халқаро конференция бўлиб ўтди. 2000 йили Ўзбекистон ҳукумати билан ЮНЕСКО ўртасида ЮНЕСКОнинг «Шарқ тароналари» мукофотини таъсис этиш тўғрисидаги битим имзоланди.

2005 йили ўтган мазкур фестивалда Бош конференция президенти О.Омелева, таниқли француз хонандаси Ш.Азнавур, Бош директор маслаҳатчиси Н.Айкава иштирокидаги делегация қатнашгани «Шарқ тароналари»нинг нуфузини янада ошириди.

Ўзбекистон ва ЮНЕСКО динлараро мулоқотнинг юксак аҳамиятини назарда тутиб, бу йўналишда ҳам самарали ҳамкорлик қиляпти. 2000 йили Тошкентда тинчлик маданиятини ривожлантиришда жаҳон динларининг ўрнига бағишланган халқаро конференция бўлиб ўтди.

1998 йилнинг 7 ноябрида ташкилот Ижроия кенгаши 155-сессиясининг якуний мажлиси Ўзбекистонда ўтказилгани эса ўзаро ҳамкорлик юксак даражада ривожланганидан яна бир далолат, шу билан бирга, мамлакатимизнинг минтақавий тинчлик ва барқарорликни мустаҳкамлаш йўлидаги саъй-ҳаракатларига юксак баҳо бўлди.

Ўзбекистон ЮНЕСКОнинг ёрдамчи органларида ҳам фаоллик кўрсатмоқда. Улар орасида Коммуникацияни ривожлантириш бўйича халқаро дастурнинг ҳукуматлараро кенгаши, Динлараро мулоқот масалалари бўйича халқаро маслаҳат кенгаши, Оғзаки ва номоддий мерос дурдоналари танлови бўйича халқаро жюри, Оролни қутқариш бўйича илмий-маслаҳат кенгаши кабилар бор.

ЮНЕСКО раҳбарларининг юртимизга ташрифлари бўлиб ўтди. 1995 ва 1998 йилларда ташкилотнинг ўша пайтдаги Бош директори Федерико Майор, 2000 йили ва жорий йилнинг сентябрида амалдаги Бош директор Коичиро Мацуура Ўзбекистонда бўлди.

Бу галги учрашувда К.Мацуура Президентимиз Ислом Каримовга ЮНЕСКОнинг энг олий нишони — «Боробудур» олтин медалини топширди. Давлатимиз раҳбарига бу медаль халқлар ўртасида дўстлик ва ҳамкорликни мустаҳкамлаш, маданият ва динлараро мулоқотни ривожлантириш, таълим тизимига бағрикенглик ғояларини жорий қилиш йўлидаги улкан хизматлари учун тақдим этилди.

К.Мацуура ташриф асносида Тошкентдаги Халқаро Вестминстер университетида ЮНЕСКО кафедрасининг расмий очилиш маросимида ҳам иштирок этди. Бу ЮНЕСКОнинг мамлакатимиз олий ўқув юртларидаги ўнинчи кафедраси бўлди.

Ҳа, ҳамкорлик йилдан-йилга кенгайиб бормоқда. 2005 йили ЮНЕСКО Бош конференциясининг 33-сессиясида Ўзбекистон делегацияси иштирок этди. Тадбир доирасидаги сайловларда мамлакатимиз MOST (ижтимоий ўзгаришларни бошқариш) дастури бўйича ҳукуматлараро кенгашга, Юридик қўмитага аъзо бўлди. Сессияда Самарқанд шаҳрининг 2750, Марғилоннинг 2000 йиллик юбилейларини ЮНЕСКО иштирокида ўтказиш борасидаги Ўзбекистоннинг таклифлари маъқулланди.

Умуман, ҳамкорликда амалга оширилаётган ишлар кўлами ниҳоятда кенг. Куни кеча Қарши шаҳрининг 2700 йиллик, Хоразм Маъмун академиясининг 1000 йиллик юбилейлари тантаналари ва уларнинг жаҳон тарихида тутган ўрнига бағишлаб ўтказилган анжуманлар, Марғилон шаҳрининг 2000 йиллик тўйларига тайёргарлик ишлари ҳам Ўзбекистон-ЮНЕСКО муносабатларидаги тарихий воқеалардир. Мамлакатимизнинг маърифат ва эзгулик элчиси бўлган ушбу ташкилот билан ҳамкорлиги бундан буён ҳам ривожланиб боравериши шубҳа йўқ.

Анвар БОБОЕВ,
ЎзА шарҳловчиси.

Қиш беташвиш ўтади

Қўқон шаҳрида кузги-қишки мавсумга тайёргарлик ишлари якунланмоқда.

Шаҳар "Иссиқлик манбаи" ишлаб чиқариш корхонасидан олинган маълумотларга кўра, мавжуд 56 та иситиш қозонхонаси, шунингдек, сув насослари, газ ва электр тармоқлари жиҳозлари таъмирланиб, шай ҳолатга келтирилган. 300 дан ортиқ кўп қаватли уй ҳамда элликка яқин турли ижтимоий-маиший объектларга хизмат кўрсатиш юзасидан шартнома тузган "Қўқон-энергомарказ" очиқ акциядорлик жамиятида ҳам мавсум олдидан кенг қамровли ишлар амалга оширилди. Хусусан, бешта қозонхона мукаммал таъмирдан чиқарилиб, уч километр узунликдаги магистрал қувурлар янгиланди.

Баҳодир ФАЙЗИЕВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

ТАШКИЛОТЛАР ВА ФИРМАЛАР РАҲБАРЛАРИ ДИҚҚАТИГА!

«ЎЗБЕККЎМИР» ОАЖ

ТЕНДЕР № 1
1. Тўла айланувчи универсал экскаватор — 1 та.
2. Тўла айланувчи гидравлик коммунал экскаватор — 1 та.
ТЕНДЕР № 2 — резинотрос лентаси (конвейер лентаси) — 1000 п.м.
ТЕНДЕР № 3 — экскаватор электродвигателларининг эҳтиёт қисмлари

сотиб олишга тендер савдолари эълон қилади.

Тендер савдоларини ўтказиш бўйича ишчи орган сифатида Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлиги қошидаги «Ўзбектендерконсалтинг» агентлиги белгиланган.

Тендер савдоларида қатнашиш учун кўрсатилган шартларни бажарган ишлаб чиқарувчи корхоналар ва уларни етказиб беришда тажрибага эга бўлган ташкилотлар иштирок этишлари мумкин.

Тендер савдоларида қуйидаги шартларга жавоб бермайдиган ташкилотлар иштирок эта олмайдилар:
- *қайта тузилиш, бекор қилиниш ва банкрот ҳолатларида турган;*
- *илгари тузилган шартномалар юзасидан ўз мажбуриятларини керакли ҳолда бажармаган;*
- *тендер эълон қилингунга қадар тузилганига 6 ой тўлмаган;*
- *буюртмачи билан судланиш ёки арбитраж кўриб чиқиш ҳолатидагилар;*
- *тижорат ва молиявий кўрсаткичлари тендер комиссияси талабларига жавоб бермайдиган.*

Тендер таклифларини қабул қилишнинг охирги муддати — 2006 йил 4 декабрь Тошкент вақти билан соат 15.00 гача. Тендер савдолари ўтказиш тартиби бўйича қўшимча маълумотларни олиш учун даъвогарлар ҳар куни соат 9.00 дан 18.00 гача (шанба ва якшанбадан ташқари) тендер таклифларини қабул қилишнинг охирги кунига қадар «Ўзбектендерконсалтинг» агентлиги жойлашган қуйидаги манзилга мурожаат қилишлари мумкин: **Ўзбекистон Республикаси, Тошкент ш., Буюк Ипак йўли к., 75-уй. Телефонлар: 68-25-51, 138-53-42. Факс: 68-75-96.**

3477Н/1831

ҲУРМАТЛИ ИШБИЛАРМОН ВА ТАДБИРКОР ЖАНОБЛАР!

"KAFOLAT RIELT" МЧЖ

2006 йил 5, 12, 19, 26 декабрь кунлари соат 11.00 да
Ўзбекистон банклари ассоциацияси биносида аукцион савдоларини ўтказади.
Аукцион савдосига аввал савдога қўйилган ва ҳозирги кунда бошланғич баҳоси 10% камайтирилган қуйидаги объектлар қайтадан қўйилмоқда:

1. **Тошкент шаҳар, Амир Темур кўчаси, 60-уй манзилидаги тугатилаётган "Yulduz" ОАЖнинг Тошкент вилояти, Бўка тумани, Бўка шаҳри, Бобур кўчасида жойлашган филиалининг 3 та омборхона, 2 та ошхона, 3 та цех, 2 та хизмат биноси, ҳожатхона, қозонхона, насос, 2 та бостирма ва қоровулхоналардан ташкил топган бино ва иншоотлари.** *Бошланғич баҳоси — 39 916 800 сўм.*
2. **Тошкент шаҳар, Амир Темур кўчаси, 60-уй манзилидаги тугатилаётган "Yulduz" ОАЖга тегишли ишлаб чиқариш биноси қисми (4 қаватли, блок-А, умумий майдони — 7593,0 кв.м.).**
   Бошланғич баҳоси — 748 151 100 сўм.

Савдода қатнашиш учун харидорлар савдодаги мулкларни сотиб олиш учун ариза топширган ҳолда объект бошланғич баҳосининг 10 фоиз миқдорида закалат пулини "KAFOLAT RIELT" МЧЖнинг ҳисоб рақамига тўлашлари шарт. Савдода иштирок этиш учун топшириладиган аризаларни ва закалат пулларини қабул қилиш савдодан бир соат олдин тўхтатилади. Шунингдек, аввал савдоларга қўйилган ва ўз харидорини топмаган объектлар ҳар ҳафтанинг сешанба куни қайтадан аукцион савдоларига қўйилиши мумкинлигини маълум қиламиз.

Шунингдек, "KAFOLAT RIELT" МЧЖ томонидан 2006 йил 3 октябрь куни ўтказилган аукцион савдоларида Тошкент шаҳар, Амир Темур кўчаси, 60-уй манзилидаги тугатилаётган "Yulduz" ОАЖга тегишли цех биноси (умумий майдони — 384,0 кв.м., блок-В) — 226 200 000 сўмга, асбоб-ускуналар — 2 502 988 сўмга, 2006 йил 10 октябрда ўтказилган аукцион савдоларида 1993 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақами 10 АQ 436 бўлган «ГАЗ-31029» русумли автоулов — 1 308 000 сўмга, 1992 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақами 10 ВА 153 бўлган «ГАЗ-33073» русумли автоулов — 2 834 000 сўмга, асбоб-ускуна ва дастгоҳлар — 22 010 200 сўмга, 2006 йил 17 октябрда ўтказилган аукцион савдоларида дастгоҳлар 2 185 384 сўмга сотилганлигини маълум қилади.

Мурожаат учун манзил: Тошкент ш., Шайхонтоҳур тумани, А.Хўжаев к., 1-уй. Телефонлар: 138-69-70, 138-69-93.

JAPAN
Official Development Assistance

Let's study in Japan!
Келинглар, Японияда ўқийлик!

JAPANESE GRANT AID FOR HUMAN RESOURCE DEVELOPMENT SCHOLARSHIP (JDS) PROGRAM (2007-2008)

Japanese Grant Aid for Human Resource Development Scholarship (JDS) was established by the Government of Uzbekistan with the assistance of the Government of Japan for the Japanese fiscal year of 1999-2000.

The objective of the JDS Project is to provide Uzbekistan nationals with opportunities for obtaining Master's degree at Japanese universities in order to support human resource development policy of the Government of Uzbekistan and eventually to extend and strengthen the bilateral relationship between Uzbekistan and Japan.

The JDS Program targets young government officers for public sector, researchers, business people and others who intend to play leadership role in the socio-economic development of Uzbekistan after obtaining Master's degree within the designated period of study.

Under this Program, 20 fellows will be selected to study at Japanese universities for Master levels for the year 2007-2008.

1. DEGREE TO BE OBTAINED, FIELDS OF STUDY

(1) **Degree:** Master's degree (2-2,5year courses)
(2) **Fields of Study and Accepting Universities:**
- Law : Nagoya University
- Public Administration : Kyushu University
- Economics : International University of Japan
- Business Administration : Waseda University
- Agriculture : Tokyo University of Agriculture and Technology
- Information and Communication Technology : Ritsumeikan University
- Education Administration: Hiroshima University
- Engineering : Toyohashi University of Technology

(3) **Language of Instruction:** English

2. QUALIFICATION REQUIREMENTS

(1) **Nationality:** Citizen of Uzbekistan
(2) **Age:** Between 22 and 34 years old (including) as of April 1st, 2007.
For the field of study "Engineering" and "Agriculture", between 22 and 39 years old (including) as of April 1st, 2007.
(3) **Work Experience (recorded in Workbook):**
For more than 2 years (as of September 19, 2006) after getting a Bachelor's degree. For the study field "Business Administration", for more than 3 years (as of September 19th, 2006) after getting a Bachelor's degree.
(4) **Academic Background**: Holder of a Bachelor's degree. And for the following universities, there are specific requirements:
(a) Nagoya University in field of study "Law" : it is preferable to have basic knowledge of Laws and to hold a Bachelor's degree in Law.
(b) Kyushu University in field of study "Public Administration": it is preferable to hold a Bachelor's degree in political sciences or equivalent of social sciences.
(c) Ritsumeikan University in field of study "Information and Communication Technology", it is preferable to have basic knowledge of ICT and to hold a Bachelor's degree in related field.
(5) **English proficiency level:** Minimum requirement must be either of following :
- IELTS score 6,0
- TOEFL PBT (Paper-based) score 530
- TOEFL CBT (Computer-based) score 197
- TOEFL iBT (Internet-based) score 71

* Applicant who submits a photocopy of the valid official certificate of the score higher than either of above minimum score, obtained after November 24th, 2005 will be exempted from English language examination during the selection stages.

(6) **Ineligibility:**
- Those who have already studied or are scheduled to study in a foreign country in order to obtain a degree of Bachelor or Master under any kind of scholarship program shall be ineligible for application.
- Military personnel registered on the active list or persons on alternative military service shall be ineligible for application.

(7) **Others:**
- Applicant must be in good mental and physical health.
- JDS fellow will be required to attend preparatory Japanese language training in Tashkent for about 2 months from April 2007 on full time basis prior to departure for Japan.
- The Government of Uzbekistan will ask the JDS fellow to sign and submit the "Statement of Obligations" (Contract) to follow the conditions deemed necessary as scholarship fellow under the JDS project. If a fellow violates any article of his/her "Statement of Obligations" (Contract), the scholarship may be cancelled and other necessary steps will be taken. This "Statement of Obligations" (Contract) includes the article such as "Returned JDS fellow must remain in Uzbekistan and work at least for 2 years in the country."

3. APPLICATION PROCEDURES

➢ Applicant should submit the JDS Application Documents to JICE JDS Project Office.

➢ Application Form will be available at the places mentioned below. It will be available in Tashkent from September 19th, in other cities or provinces later on. Application Form can be downloaded from website **http://www.jds.uz.**

1. JICE JDS Project Office in Uzbekistan
   - Mon. to Fri., 9:00 to 13:00 and 14:30 to 17:30
   - 12A, U.Nasir St., Tashkent
2. Embassy of Japan in Uzbekistan
   - Mon. to Fri., 9:00 to 13:00 and 14:30 to 18:00
   - 1-28, Sadyk Azimov St., Tashkent
3. JICA Uzbekistan Office
   - Mon. to Fri., 9:30 to 13:00 and 14:30 to 18:00
   - 5th floor, International Business Center, 107-B, Amir Temur St., Tashkent
4. Uzbekistan-Japan Center for Human Development
   - Mon. to Thurs., 10:00 to 13:00 and 14:30 to 17:30, Fri., 10:00 to 13:00 and 14:30 to 20:00
   - 6th floor, International Business Center, 107-B, Amir Temur St., Tashkent
5. Ministry of Higher and Secondary Specialized Education
   - Mon. to Fri., 15:00 to 17:00
   - 54-55, Babur St., Tashkent
6. Major academic institutions in Tashkent
7. Chamber of Commerce and Industry – 14, Movarounnakhr Street, Tashkent
8. Karakalpakstan Regional Office of the Chamber of Commerce and Industry – 112A A. Temur St., Nukus
9. Andijan Regional Office of the Chamber of Commerce and Industry – 122 A. Navoii Shokh St., Andijan
10. Bukhara Regional Office of the Chamber of Commerce and Industry – 1A Mustakillik St., Bukhara
11. Djizzakh Regional Office of the Chamber of Commerce and Industry – 63 Sh.Rashidov Shokh St., Djizzakh
12. Kashkadarya Regional Office of the Chamber of Commerce and Industry – 3 Mustakillik St., Karshi
13. Navoi Regional Office of the Chamber of Commerce and Industry – 33 Meymorlar St., Navoi
14. Namangan Regional Office of the Chamber of Commerce and Industry – 7 U. Nosir St., Namangan
15. Samarkand Regional Office of the Chamber of Commerce and Industry – 148 M. Ulugbek St., Samarkand
16. Surkhandarya Regional Office of the Chamber of Commerce and Industry – 1 F. Khodjaev St., Termez
17. Sirdarya Regional Office of the Chamber of Commerce and Industry – 35 Mustakillik St., Gulistan
18. Tashkent Regional Office of the Chamber of Commerce and Industry – 68 Lisunova - 4, Tashkent
19. Fergana Regional Office of the Chamber of Commerce and Industry – 58 M. Kosimov St., Fergana
20. Khorezm Regional Office of the Chamber of Commerce and Industry – 30 Al Khorazmiy St., Urgench
21. Ministry for Foreign Economic Relations, Investments and Trade (MFER) of the Republic of Karakalpakstan – 96 A, Dustlik Guzari St. (Government House), Nukus
22. MFER of Andijan region - 126, A.Navoi St., Andijan
23. MFER of Bukhara region - 1, Muminov St., Bukhara
24. MFER of Djizakh region – 63, S.Rashidov St., Djizak
25. MFER of Kashkadarya region – 2, Mustakillik St., Karshi
26. MFER of Namangan region – 3, B. Mashrab St., Namangan
27. MFER of Navoi region – 77, Khalklar Dustligi St., Navoi
28. MFER of Samarkand region – 1, Kuk Saroi Sq. (Regional Khakimiyat building), Samarkand
29. MFER of Surkhandarya region – 1st floor, Khodjaev st., 7a, Termez
30. MFER of Sirdarya region – 1, Alleya Geroyev St., Gulistan
31. MFER of Fergana region – 53, Al Fargoniy St., Fergana
32. MFER of Khorezm region - 1, Gafur Gulyam St., Urgench
33. Business Communications Center (BCC) in Tashkent – 4th floor, 16A, Shahrisabz St.
34. BCC Khiva – 1, Jamoat Markazi St.
35. BCC Fergana – 57, Tolstoy St.
36. BCC Djizakh – 52a, Tashkent St.

4. APPLICATION DEADLINE: November 24th , 2006, 17:00

Applications missing above deadline shall not be accepted.
Applications must be submitted by hand, courier or post ONLY to JICE JDS Project Office in Tashkent.
1) Hand delivery, courier : 12A, U.Nasir St., Tashkent (Mon. to Fri., 9:00 to 13:00 and 14:30 to 17:30).
2) Post : P.O. Box 345 (2, Amir Temur St., Tashkent, 700000, Uzbekistan (Central Post Office)

5. SELECTION PROCEDURES

1) **First Selection (Documents screening):**
- Submitted application forms will be examined and screened by professors of Japanese university.

2) **Second Selection:**
- English language examination IELTS will be implemented in Tashkent in January, 2007.
- Applicant will be required to take a basic mathematics examination as well in January, 2007.

3) **Third Selection (Technical interview):**
- Interview examination by professors of Japanese university will be implemented in Tashkent in February, 2007.
- Applicant must undergo the medical check-up at a designated hospital during this step.

4) **Final Selection (Comprehensive interview):**
- Comprehensive interview will be implemented in Tashkent in March, 2007.

6. INQUIRY

JICE JDS Office in Uzbekistan
Address: 12A, U.Nasir St., Tashkent
Telephone: (371)139-45-60/67 (Monday to Friday 9:30 to 12:30, 15:00 to 17:00)
E-mail : jice@jds.uz
Website : http://www.jds.uz

ЭЪЗОЗ

Давлат тараққиётида малакали кадр, юксак заковатли мутахассисларнинг ўрни беқиёс. Шу боис мустақиллигимизнинг дастлабки кунлариданоқ таълим тизимини тубдан ислоҳ қилиш, ёш ва баркамол авлодни муносиб тарбиялаш давлатимизнинг устувор вазифаларидан бири этиб белгиланди. Юртбошимиз томонидан ишлаб чиқилиб, ҳаётга татбиқ этилаётган Кадрлар тайёрлаш миллий дастури ва унинг мантиқий давоми бўлмиш 2004-2009 йилларда Мактаб таълимини ривожлантириш давлат умуммиллий дастури ўз самарасини бераётир. Дастурга кўра, бугун юртимизнинг хоҳ марказида, хоҳ энг чекка қишлоқларида бўлсин, ҳавас қилса арзийдиган замонавий мактаблар қад ростлаяпти. Борлари эса давр талаблари даражасида таъмирланаяпти. Шаҳрисабз туманидаги 69-мактаб ҳам дастур шарофати ила қайта кўз очган даргоҳдир.

ЎҚИТУВЧИ ЭКАНЛИГИМДАН ФАХРЛАНАМАН!



Очиғини айтсам, баъзан шу ерда ишлаётганимдан уялардим. Йўқ, бу уялиш олис қишлоқдаги кўҳна мактабда фаолият юритаётганимиздан эмас, ўсмир-йигит қизларнинг азиз умри беҳуда ўтаётганидан ўксиниш эди, аслида. Бирор меҳмон келса хижолатдан ер чизиб қолардик. Чунки мактабнинг кўриниши ниҳоятда хароб эди. Мебеллар эса адойи тамом бўлган эди. Фақат Президентимизнинг ёш авлодга ғамхўрликлари боис бундай манзараларга бугун қатъиян чек қўйилаяпти. Юртимизда минглаб мактаблар янгиланаяпти. Энг муҳими, эндиликда мактаб ўқувчилари дарсларни нафақат ўқитувчиларнинг маърузаларини тинглаш, айни пайтда замонавий ўқув жиҳозлари, компьютерлар орқали ҳам сабоқ олаяптилар. Дарвоқе, эзгулик элни уйғотади, деганларидек, янги мактаб очилишида саховатли ҳомийлар компьютер совға қилдилар. Яна бир тадбиркор мебель ҳадя қилган бўлса, бошқаси ташкилий ишларда бошқош бўлди.

Бундан руҳланиб ўқувчилар ўртасида чет тилларни пишиқ-пухта эгаллаб, ўз устида тинимсиз меҳнат қилиш асосий машғулотга айланган. Бунга, албатта, маҳоратли, малакали ўқитувчи-мураббийларнинг меҳнати ҳукумат даражасидаги қадрланиши орқали эришилаяпти. Хусусан, Президентимизнинг "Халқ таълими ходимлари меҳнатига ҳақ тўлаш тизимини такомиллаштириш ва уни моддий рағбатлантиришни кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарори бу борадаги ислоҳотларнинг навбатдаги босқичидир. Агар мамлакатимизда ўн мингга яқин мактаблар борлигини инобатга олсак, ушбу ҳужжат қанчаданқанча ўқитувчиларнинг дилига нур, зиё олиб кирганини англаймиз.

Яқинда пойтахтда юртимизнинг турли гўшаларида ишлаётган мактаб директорлари малака оширдик. Ҳамкасбларимнинг ҳар бир суҳбатида ўз ишидан мамнунликни ҳис этиб турдим. Ўқитувчи, устоз деган номлар яна ўз шонини, шарафини оқлаётганига иймон келтирдим. Бу-ларнинг барчаси, аввало, миллат тарбиясига эътибор эканлигини унутмаслигимиз лозим.

Инсон — у қайси соҳада фаолият кўрсатмасин, фидойи бўлмаса кўзлаган мақсадига эришиши қийин. Жонкуяр, билимдон, юксак ақл-заковатли мутахассислар эса соҳа ривожига улкан ҳисса қўшишлари турган гап. Шунга кўра, энди ўқитувчилар ўз қобилиятларини тўла ишга соладилар, касбий маҳоратларини янада такомиллаштирадилар. Соддароқ қилиб айтганда, мактабга "куним ўтса бўлди" қабилида келиб-кетишлар барҳам топди.

Умумтаълим муассасаларининг алоҳида намуна кўрсатган ходимларини рағбатлантириш учун директор жамғармасининг тузилгани ҳам айни муддаодир. Ушбу жамғарма тарбиявий ва синфдан ташқари ишларни бажарганлик, ўқув жараёнига қўшган муносиб ҳиссаси, юқори натижалар ва таълим сифати эътиборга олинган ҳолда моддий рағбатлантириш имконини беради. Яна бир эътиборли томони шундаки, ушбу жамғарма маблағларини тасарруф этиш ҳар бир мактабда, унинг раҳбари бошчилигида ҳамда педагоглар ва ота-оналар жамоатчилиги вакиллари иштирокида ташкил этиладиган махсус комиссиялар томонидан амалга оширилади.

Бир сўз билан айтганда, ҳукуматимизнинг халқ таълими ходимларига кўрсатаётган доимий эътибори ўз мевасини бераяпти. Олиб борилаётган кенг миқёсдаги ислоҳотлар эса фарзандларимизнинг биздан кўра кучли, билимли, доно ва албатта бахтли бўлишлари шартлигига хизмат қилаётир.

Абдусалом ҲИММАТОВ,
Шаҳрисабз туманидаги 69-мактаб директори.

ИРОДА ВА ОҚГУЛНИНГ ЗАФАРЛИ ОДИМЛАРИ

Хитойнинг Шанхай шаҳрида теннис бўйича хотин-қизлар ўртасида ўтказилаётган «Shanghai-2006» анъанавий халқаро турнирида теннисчиларимиз бош совринга даъвогарлик қилмоқда.

Амалдаги Осиё чемпиони Ирода Тўлаганова биринчи босқичда венгриялик Анико Капросни 6:0, 6:1 ҳисобида мағлубиятга учратгач, чорак финалга чиқиш учун хитойлик Тиантиан Сун билан куч синашди. Айтиш жоизки, Ирода бир ой муқаддам пойтахтимизда ўтказилган «Тошкент опен» халқаро турнирининг финалида хитойлик теннисчига имкониятни бой берганди. Бу гал у тўртинчи рақамда сараланган рақибасидан 6:3, 6:4 ҳисобида устун келди ва навбатдаги босқичга чиқди. Чорак финалда ўзбекистонлик ракетка устаси Янги Зеландия вакиласи — Марина Эраковични 6:2, 7:5 ҳисобида мағлубиятга учратиб, ярим финалга йўлланма олди.

Яна бир умидли теннисчимиз Оқгул Омонмуродова ҳам мазкур нуфузли турнирда муваффақиятли иштирок этмоқда. У дастлабки икки босқичда хитойлик теннисчилар — Менг Юанни 7:6, 7:6 ҳамда Ян Чонг Ченни 6:2, 6:1 ҳисобида мағлубиятга учратди. Ярим финал йўлланмаси учун ўтказилган баҳсда Оқгул турнирнинг биринчи рақамли ракеткачиси японияли Аико Накамура устидан 4:6, 6:3, 6:2 ҳисобида зафар қўлга киритди.

Ҳамюртларимиз жуфтликлар ўртасидаги беллашувларда ҳам ғалабали одимларини давом эттирмоқда. Ирода Тўлаганова ҳамда Оқгул Омонмуродова ўзаро ҳамкорликда турнирнинг энг кучли жуфтлиги — Алла Кудрявцева (Россия) ва Сунита Раони (АҚШ) 7:6, 5:7, 7:6, Хитой Тайпейи вакиллари — Йи Чен ва Чин Вей Чанни 6:3, 6:0 ҳисобида доғда қолдирди.

Зоҳир ТОШХЎЖАЕВ,
ЎзА шарҳловчиси.

Пойтахтимиздаги "Рэдиссон Сас" меҳмонхонасида "Нодавлат нотижорат ташкилотларида (ННТ) — ижтимоий мулоқотни йўлга қўйиш ва ривожлантириш" мавзуида Ўзбекистон жамоат ташкилотларининг форуми бўлиб ўтди. Анжуман янги жамоат ташкилоти – "Ижтимоий ташаббусларни қўллаб-қувватлаш жамғармаси"нинг расмий очилиши муносабати билан ташкиллаштирилди.

ЖАМҒАРМА ЎЗ ФАОЛИЯТИНИ БОШЛАДИ

Мазкур жамғармага "Экосан" халқаро ташкилоти, Ўзбекистон ННТлари Миллий ассоциацияси, "Ўзбекистон маданияти ва санъати форуми" жамғармаси ҳамда бошқа бир қатор жамоат бирлашмалари таъсисчилар бўлишди.

Форумда Республика ва вилоятлардаги нодавлат нотижорат ташкилотлар, халқаро жамғармалар, дипломатик корпус, расмий доиралар, оммавий ахборот воситалари вакиллари ва тадбиркорлар иштирок этди. "Ижтимоий ташаббусларни қўллаб-қувватлаш жамғармаси"нинг асосий мақсади — фуқаролик жамиятининг ижтимоий ҳимояга муҳтож қатламларига ёрдам кўрсатишга қаратилган саъй-ҳаракатларини бирлаштиришдан иборат. Форум давомида бу йўналишда жамоат ташкилотларининг умумий ҳаракатлар стратегияси ва келгуси ижтимоий лойиҳа ва дастурларни мувофиқлаштириш тартиби ишлаб чиқилди.

— "Ижтимоий ташаббусларни қўллаб-қувватлаш жамғармаси"ни тузиш ғояси жорий йилнинг март ойида Тошкентда ўтган хайрия ва ижтимоий ташаббуслар масаласига бағишланган форумда қўллаб-қувватланганди, — дейди "Ўзбекистон маданияти ва санъати форуми" жамғармаси матбуот котиби Динора Дўлтаева. — Жамғарманинг асосий фаолият йўналишлари соғлиқни сақлаш, таълим, ижтимоий қўллаб-қувватлаш, ижтимоий инфратузилма ва экология саналади.

Омонулла ФАЙЗИЕВ.

Инсонпарварлик ёрдами кўрсатилди

Маълумки, "ЭКОСАН" халқаро ташкилоти "Экология ва саломатлик кунлари" доирасида инсонпарварлик ёрдами кўрсатиб, жойларда турли тадбирлар ўтказиб келмоқда.

Тошкент шимолий темир йўл вокзалида Навоий вилоятига навбатдаги "ЭКОСАН" саломатлик поездини кузатиш маросими бўлиб ўтди. 20 млн. сўмлик инсонпарварлик ёрдами вилоятнинг турли ижтимоий объектларига, жумладан, тиббиёт муассасаларига, кам таъминланган оилаларга топширилди.

Айтиш жоизки, йил бошидан буён 18 та саломатлик поездлари республикамизнинг турли гўшаларига юборилди. Яқинда ўтказилиши кўзланган экологик ҳашардан тушадиган маблағ ҳам инсонпарварлик ёрдами учун сарфланиши мўлжалланган.

Шоира БОЙМУРОДОВА,
"Халқ сўзи" мухири.

БАРЧА ТУРДАГИ ҚУРИЛИШ ТАШКИЛОТЛАРИ ДИҚҚАТИГА!

БУХОРО ВИЛОЯТИ ҲОКИМЛИГИ ҲУЗУРИДАГИ «ЯГОНА БУЮРТМАЧИ ХИЗМАТИ» ИНЖИНИРИНГ КОМПАНИЯСИ

2007 йил қурилиш манзилий дастурига киритилган қуйидаги иншоотга бош пудратчини танлаш бўйича такроран танлов савдолари ўтказилишини эълон қилади:

Т/р	Иншоот номи	Қуввати
	Олий ва ўрта махсус таълим объекти	
	Қайта қуриш	
1.	Бухоро шаҳридаги санъат коллежи	360

Қурилиш ишлари давлат инвестиция маблағлари ҳисобидан молиялаштирилади.

Талабгор сифатида қатнашаётган корхона ва ташкилотлар қуйидаги талабларга мос келишлари керак:

- *устав сармояси миқдори, танлов савдолари предметининг камида 20 фоизи миқдорида айланма маблағлари ёки кўрсатиб ўтилган маблағларни тақдим қилишга банк кафолатномаси мавжудлиги;*
- *ишлар (хизматлар)ни бажариш учун зарур бўлган меҳнат ресурсларига ва мутахассисларнинг мавжудлигига, танловга қўйилган объектга ўхшаш иншоотларда ишлаш тажрибаси ва кўникмаларга эга бўлишлари ҳамда шартнома тузиш юзасидан фуқаролик-муомала, ҳуқуқий лаёқат ва ваколатларга, ўзаро ишончга, шунингдек, етарли ишчи кучи заҳираларига эга бўлишлари лозим;*
- *ўз кучи билан илгари бажарилган иш ҳажмлари тўғрисидаги маълумотлар;*
- *танлов объектида ўз кучлари билан бажариладиган ишларнинг мўлжалланаётган ҳажми (фоизларда);*
- *2004-2006 йилларда йил давомида ўз кучи билан 1000,0 миллион сўмдан кам бўлмаган пудрат ишларини бажарган бўлишлари (академик лицей ва касб-ҳунар коллежлари танлов савдоларида қатнашаётган талабгорлар учун) лозим.*

Қайта ташкил этиш (бўлиниш, бирлашиш), тугатиш ёки банкротлик босқичида бўлган, мулки хатлаб қўйилган талабгорлар танлов савдолари тартиботларида қатнашишга қўйилмайди.

Таъсис ҳужжатлари, молиявий қатнашиш, холдинг шаклида ва бошқа шаклларда ифодаланган бир-бири билан бевосита ташкилий-ҳуқуқий ёки молиявий боғлиқ бўлган ташкилотларнинг танлов савдоларида қатнашиши таъқиқланади.

Талабгорларга танлов савдоларида қатнашишга малака талаблари танлов ҳужжатлари таркибида кўрсатиб ўтилади.

Талабгорнинг малакасини олдиндан аниқлаш танлов савдоларида қатнашиш ва тендер ҳужжатларига эга бўлиш учун сўровнома билан савдо ташкилотчиси — Бухоро вилояти қурилишда танлов савдолари ва нархларни шакллантириш ҳудудий консалтинг марказига мурожаат қилиш мумкин.

Манзил: Бухоро шаҳри, Навоий шоҳкўчаси, 5-уй, 18-хона.
Телефон: 223-96-29. Факс: 223-97-51.

Оферталар юқоридаги манзилда соат 10.00 дан 17.00 гача қабул қилинади.

Ҳужжатлар бир тўпламининг (1-пакет комплекти) қиймати — 30 000 сўм.

Таклифлар (оферталар)ни савдо ташкилотчисига тақдим этишнинг охирги муддати — оферталар очилиш куни ва соати. Тендер савдолари эълон матбуотда чоп этилгандан бошлаб ўттиз кундан кейин қуйидаги манзилда ўтказилади: Бухоро ш., И.Мўминов к., 1-уй, вилоят ҳокимиятининг кичик залида, соат 10.00 да.

ДСҚ Ахборот хизмати хабарлари

Сохта тадбиркорлар йўли тўсилди

Қорақалпоғистон Республикасининг Элликқалъа тумани Давлат солиқ инспекцияси ва ички ишлар бўлими ходимлари ҳамкорликда ўтказган рейд давомида Бўстон шаҳри, Қурбонов кўчаси, 22-уйда ташкил этилган яширин ароқ цехи фаолиятига чек қўйилди. Натижада ушбу цех соҳиби Улуғбек Юсуповнинг ширин орзулари бир зумда саробга айланди-қолди.

...Улуғбек эрталаб бозорга олиб чиқаман деб, 70 шиша қўлбола ароқни ғамлаб қўйган эди. Ҳаммаси мусодара қилинди. Устига-устак, 360 литр спирт, 1300 дона «Қаратау» ароғи ёрлиғи, 36 дона қалбаки акциз маркаси, 4617 дона қопқоқ ва турли мосламалар ҳам қулоғини ушлаб кетди. Энди суриштирув давомида, албатта, улар қаердан олинганлиги ва кимлар ҳомийлик қилганлиги сабаблари аниқланади.

Шу йилнинг ўтган ойлари ичида, умуман, республика шаҳар ва туманлари бўйлаб ўтказилган рейд ва текширувларда 172 та қонунбузарлик ҳолати аниқланиб, сохта тадбиркорлардан 11 минг 862 литр ноқонуний спиртли ичимликлар ашёвий далил сифатида олинди.

Жиноят иши қўзғатилди

«Жийда кўприк сояси» масъулияти чекланган жамияти илгари Мингбулоқ туманида энг тартибли жамоалардан бири ҳисобланарди. Аммо...

Мазкур корхонанинг бюджет билан боғлиқ фаолияти ўрганилганда, унинг раҳбарлари 1548 минг сўмлик солиқ ва бошқа мажбурий тўловларни тўлашдан қасддан бўйин товлаб келаётганликлари, салкам 12 миллион сўм нақд пул назорат касса машинасига киритилмаганлиги ошкор бўлди.

Текширув давомида устав фондини шакллантириш учун қалбаки ҳужжатлар тақдим этилиб, туман ҳокимлигидан улгуржи савдо-сотиқни амалга оширишга рухсат берувчи лицензия олинганлиги ҳам аниқланди. Қарангки, шундай қалбаки йўллар билан жами 43 миллион 527 минг 900 сўм маблағнинг банкдан ташқари айланиши содир этилибди!

Ҳозирги кунда текширув натижалари бўйича жамият раҳбари А. Долимовга нисбатан жиноят иши қўзғатилди.

ЯНГИ фильмлар тақдимоти

Пойтахтимиздаги Киночилар уйида "Ўзбеккино" Миллий агентлиги буюртмасига асосан "5-студия" ёшлар ижодий уюшмаси томонидан суратга олинган "Осмон яқин" бадиий фильми ҳамда "Қуш" анимацион фильмининг тақдимоти бўлиб ўтди.

Маросимда сўзга чиққанлар ёш режиссёр Темур Мусоқовнинг "Осмон яқин" бадиий ва "Қуш" анимацион фильмлари янгича ижодий йўналиш, услубга эга эканлигини айтиб ўтишди. Зулфиқор Мусоқов сценарийси асосида суратга олинган ушбу фильм сюжетидан ҳаётимизда учрайдиган воқеалар, баъзида юз бериши мумкин бўлган турли кўнгилсиз ҳодисалар ёки бахтли тасодиф туфайли тақдирларнинг учрашиб қолиши, севги, муҳаббат каби мавзулар ўрин олган. "Осмон яқин" бадиий фильмидаги бош ролларни Ойбек Одилов ва Раъно Шодиева ижро этишган. Фильмда, шунингдек, Нигора Каримбоева, Хайрулла Саъдиев, Бобур Йўлдошев, Ҳожиакбар Нурматов сингари актёрларнинг маҳорат билан ижро этган роллари томошабинларда катта таассурот қолдирди. Фильм мусиқаларини Марям Мусоқова басталаган. Фильм директори Баҳриддин Айназаров, постановкачи оператор Павел Степанов.

"Қуш" анимацион фильмида эса яхшилик ва ёмонлик ўртасидаги кураш ва охир оқибатда эзгуликнинг ёмонлик устидан ғалаба қозониши ҳикоя қилинади.

Юлдуз РИЗАЕВА.

«ҲИМОЯ» ҲУҚУҚИЙ МАРКАЗИ АДВОКАТЛИК ФИРМАСИ

СОЛИҚ ВА БОЖХОНА НИЗОЛАРИ

ТУРЛИ МУРАККАБЛИКДАГИ ХЎЖАЛИК НИЗОЛАРИ

СУД ҚАРОРЛАРИНИ ИЖРО ЭТИШДА ҲУҚУҚИЙ ЁРДАМ КЎРСАТИШ

ТЎЛОВ НАТИЖАЛАР БЎЙИЧА

Тошкент: (371) 133-11-13, 175-63-72, 301-33-15
Самарқанд: (3662) 33-30-99
Бухоро: (365) 223-63-72, 223-68-85
Навои: (436) 730-99-80
Қарши: (371) 175-63-72

«Ўзавтотеххизмат» ОАБ жамоаси «O'ZAVTOSANOAT» Акциядорлик компанияси бошқарув раиси, «ЎзДЭУ» АЖ Бош директори **Кудрат Рахматович ПАРПИЕВнинг** вафоти муносабати билан унинг оила аъзоларига ва яқин қариндошларига таъзия билдиради.

Тошкент автомобиль-йўллари институти ректорати «Ўзавтосаноат» Акциядорлик компанияси бошқарув раиси **Кудрат Рахматович ПАРПИЕВнинг** вафот этганлиги муносабати билан унинг оиласига чуқур таъзия изҳор қилади.

Миллий ҳамда чет эл валютасидаги барча банк хизматлари Сизнинг муваффақиятингиз учун!
«ПАХТАБАНК» ФАРОВОНЛИГИНГИЗ ҚАЛИТИДИР!

«ХАЛҚ СЎЗИ»га ЭЪЛОНЛАР ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИ.
9.00 дан 18.00 гача
136-09-25
132-10-63
242-хона
E-mail: Xalk_suzi@rambler.ru

Тошкент ирригация ва мелиорация институти ректорати жамоаси Ердан фойдаланиш ва ер кадастри факультети декани, иқтисод фанлари доктори, профессор Саъдулла Авезбаевга ўғли **ШУҲРАТнинг** вафоти муносабати билан чуқур таъзия билдиради.

Абдулла Қодирий номидаги Тошкент давлат маданият институти ректорати, жамоат ташкилотлари Вокал жамоаларига раҳбарлик, мусиқа тарихи ва назарияси кафедраси профессори **Олтин Толибович СОДИҚОВнинг** вафоти муносабати билан марҳумнинг оила аъзолари ва яқинларига таъзия изҳор этади.

Халқ сўзи
Народное слово

Бош муҳаррир вазифасини бажарувчи
Ш. ЖАББОРОВ

Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 1357. 21071 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

ТЕЛЕФОНЛАР:
Газетхонлар билан алоқа ва минтақалар бўлими 133-52-55;
Котибият 133-10-28; Эълонлар 136-09-25.

Газета таҳририят компьютер марказида терилди ва операторлар Жамшед Тоғаев ва Муҳамедали Бегмуратов томонидан саҳифаланди.

t -Тижорат материали

МАНЗИЛИМИЗ:
700000, ГСП,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.
Навбатчи котиб — А. Ориповa.
Навбатчи муҳаррир — М. Холматова.
Навбатчи — Ю. Бўронов.
Мусаҳҳиҳ — М. Ёқубова.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41. ЎзА якуни — 24.00 Топширилди — 00.40 123456